АЁЛЛАР ТОМОНИДАН ЭРКАКЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ИДРОК ЭТИЛИШИ – ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Н.АҲМЕДОВА

В статье рассматриваются аспекты восприятия женщинами мужчин, уделяется внимание особенностям ментальных стереотипов и установок, а также особой роли формирования положительного восприятия.

In this article was considered the aspects perception of women and men, paying attention peculiarity mental stereotype and arrangement, as well as special role forming positive perception.

Оила ҳар бир шахс ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Психологик нуқтаи назардан оила ҳаётий мақсадлари, уй-фикрлари, ҳис-туйғулари, орзу-умидлари ҳамда яшаш тарзи бир-бирига яқин шахслар бирлиги саналади. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, ҳамдардликка асосланган, шунингдек, мазмунан ўзаро яқин ҳаётий мақсадларнинг амалга оширилишига имконият яратадиган муҳит мавжуд.

Ўзбек халқи қадимдан оиланинг шахс камолидаги ролига юқори баҳо бериб келган. Зеро, оила шахсни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний, меҳнат ва эстетик жиҳатдан камолга етказиш билан бирга унинг руҳан тетик бўлиб вояга етишига катта таъсир этувчи омилларга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида маънавияти юксак шахсни тарбиялашда оиланинг ўрни бевиёс эканлигини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни баён этади: “маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандига меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган” [1.55].

Республикада оиланинг шахсни етук, баркамол этиб вояга етказишдаги ролини оширишга жиддий эътибор қаратилаётган мавжуд шароитда унинг барқарорлигини таъминлаш ўзига хос долзарблик касб этади. Оила барқарорлиги ўз-ўзидан қарор топмайди. Балки оилада ижтимоий, иқтисодий ва маданий масалаларнинг ижобий ҳал этилиши барқарорликнинг қарор топиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, оила аъзолари ўртасида ўзаро маънавий-ахлоқий ва психологик бирлик вужудга келмас экан, унинг барқарорлигида мўътадилликка эришиб бўлмайди.

Ижтимоий нуқтаи назардан оиладаги тинчлик, осойишталик, эркин меҳнат қилишга имкон берадиган муқим шароитнинг мавжудлиги оила барқарорлиги саналади. Психологик ёндашувга кўра эса оиланинг барқарорлиги деганда оила аъзолари – энг аввало, эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро руҳий яқинлик ва бирликнинг мавжудлиги, уларнинг бир-бирларини тушуна олишлари, зарур вазиятларда қўллаб-қувватлай олишлари, қолаверса, бир-бирларининг манфаатлари учун ўз манфаатларидан воз кеча олишлари тушунилади.

Психологик талқинда ҳам оиланинг барқарорлигини таъминлаш учун оила аъзолари бир қатор шартларга амал қилишлари талаб этилади. Яъни:

- оилада ҳар бир аъзонинг ўз ўрни мавжудлиги;
- ҳар бир оила аъзоси мақомининг бошқалар томонидан тан олиниши;
- оила аъзолари бир-бирларининг руҳий ҳолатларини тушуна олишлари;
- зарур вазиятларда оила аъзоларининг бир-бирларига руҳий ёрдам кўрсата олишлари;
- оилада унинг турли жинсдаги аъзолари мақомининг аниқ белгиланганлиги;
- ўзаро муносабатлар жараёнида турли жинс вакиллари бўлган оила аъзоларига уларнинг эркак ва аёллик хусусиятларини инобатга олган ҳолда муносабатда бўлиш, яъни эркакларга талабчанлик, қатиққўллик, масъулиятни ўз зиммасига олишга нисбатан ишонч билдириш, аёлларга эса юмшоқлик, хотиржамлик, босиқлик билан муомала қилиш.

Маълумки, ҳар бир оилада эркакларнинг ўз ўрни мавжуд. Шунингдек, улар оилада ўзига хос обрў-эътиборга ҳам эга саналадилар. Ўзбек халқининг менталитет хусусиятларига кўра эркакларнинг оила даги мавқелари юқори бўлиб, унинг даражаси фарзандлар тарбиясини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ эркакларнинг оиладаги обрў-эътибори қандай бўлиши, энг аввало, улар-

нинг ўзларига боғлиқдир. Эркакларнинг хатти-ҳаракатлари, кундалик фаолиятлари, турмуш тарзи, ҳаётий ёндашувлари ҳамда иродавий хусусиятлари оилада улар эга бўлган мавқе даражасини белгилаб беради. Шу билан бирга, оилада аёллар томонидан эркакларнинг қандай идрок қилиниши ҳам улар томонидан оилада юксак обрў-эътибор қозониш учун стимул бўлади. Бу борада оналарнинг оила эркакларига бўлган ёндашувлари янада муҳимдир.

Тадқиқотни олиб бориш даврида Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани Олтинкўл қишлоқ фуқаролар кенгаши йиғининг Оқтепа, Катта Оқтепа, Сарой-1, Сарой-2, Қорақалпоқ, Иттифоқ, Мамаюсуфбек ҳамда Марказ маҳаллаларида истиқомат қиладиган турли ёшдаги (35 ёшдан 65 ёшгача бўлган) аёллар мисолида оилада аёллар томонидан эркакларнинг қандай идрок этилиши ўрганилди. Ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, ўзбек оилаларида эркаклар аёллар томонидан қуйидагича идрок қилинади:

- тўла ижобий;
- қисман ижобий;
- салбий.

Эркаклар аёллар томонидан тўла ижобий идрок этиладиган оилаларда уларга нисбатан ота, ўғил, ака, ука сифатида ўзига хос ҳурмат кўрсатилади. Уларнинг шахслари тилга олинганда эса:

1) отага нисбатан “меҳрибон ота”; “оиланинг устуни”, “оила шаънининг ҳимоячиси”;

2) ўғилга нисбатан “оқибатли ўғил”, “отасига муносиб фарзанд”, “ота ишини давом эттирувчи”, “ишончли ворис”;

3) ака ва укаларга нисбатан “сулоланинг ишончли вакиллари”, “сулоланинг обрўси ва шаъни учун курашувчилар” тарзида муносабат билдирилади.

Оилада эркаклар аёллар томонидан қисман ижобий идрок этиладиган оилаларда эса уларнинг ҳурматлари қуйидаги тарзда сақланади:

1) ота – “оиланинг моддий таъминоти учун қайғурувчи шахс”, “оилада юзага келган муаммоларни ҳал қилувчи эркак”;

2) ўғил – “келгусида оиланинг оғирлигини ўз зиммасига ола биладиган шахс”, “ота-онанинг орзу-умидларини рўёбга чиқарувчи фарзанд”;

3) ака-укалар – “она-онани ҳурмат қиладиган инсон”, “опа-сингилларга мурувват кўрсатувчи ини (биродар)”.

Эркаклар аёллар томонидан салбий идрок этиладиган оилаларда улар қуйидаги муносабатларга дуч келадилар:

1) ота – “оиланинг эҳтиёжини қондира олмайдиган омадсиз”, “оила учун ҳеч бир фойдали иш қилмайдиган танбал”, “ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиган кимса”;

2) ўғил – “отасига ўхшаган ялқов”, “отасидан ўтиб ҳеч нарсага ярамайдиган бетайин”, “асл зотига тортадиган ишёқмас”;

3) ака-укалар – “оила шаъни учун ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқолмайдиган шахс”, “ўзидан ўзгани ўйламайдиган кимса”.

Аёллар томонидан эркаклар тўла ижобий ва қисман ижобий идрок этиладиган оилаларда уларнинг образларида қуйидаги сифатларнинг мавжудлиги айтилади:

Оилада аёллар томонидан ижобий ва яхши даражаларда идрок этиладиган эркакларга хос сифатлар

Эркаклар образи			
Аёллар томонидан эркаклар тўла ижобий идрок этиладиган оилаларда		Аёллар томонидан эркаклар қисман ижобий идрок этиладиган оилаларда	
Маънавий-ахлоқий сифатлар	Руҳий-иродавий сифатлар	Маънавий-ахлоқий сифатлар	Руҳий-иродавий сифатлар
Вафодор	Ўзига ишонган	Уддабурон	Кучли
Оилага садоқатли	Босиқ	Тадбиркор	Қатъиятли
Меҳнатсевар	Мулоҳазали	Меҳнатсевар	Фаол, ҳаракатчан
Масъулиятли	Фаол, ҳаракатчан	Ғамхўр	
Ғамхўр	Қатъиятли		
Меҳрибон	Кучли		
Эътиборли	Иродали		
Ҳалол	Мард		
Самимий			
Киришимли			
Лафзли			

Эркаклар аёллар томонидан салбий идрок этиладиган оилаларда уларга хос бўлган хислатлар ҳақида сўз юритилганда қуйидагилар тилга олинади:

1) маънавий-ахлоқий хислатлар – ялқов, масъулиятсиз, гўл (ҳеч нарсани тушунмайдиган), меҳрсиз, худбин.

2) иродавий-руҳий хислатлар – журъатсиз, суст, заиф, иродасиз.

Аёллар томонидан эркаклар тўла ижобий идрок этиладиган оилада улар идеал шахс сифатида тан олинадилар. Деярли барча ҳолатларда эркакларнинг ижобий сифатларини кўра олиш, уларни улуғлаш, турли вазиятларда оилавий муаммоларни ҳал қилишда уларга таяниш, уларнинг фикрига кўра йўл тутиш бу каби оилаларга хос хусусият саналади. Муҳим жиҳати шундаки, эркаклар аёллар томонидан тўла ижобий идрок этилган оилаларда соғлом психологик муҳит, оила аъзолари ўртасида эса ўзаро руҳий бирлик мавжуд бўлиб, ҳар қандай муаммоли вазиятлар ҳам “асорати” қолдирилмаган ҳолда ҳал қилинади. Бу эса оиланинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Аёллар томонидан эркакларнинг идрок этилишини ифодаловчи иккинчи тоифали оилаларда ҳам нисбатан барқарорлик мавжуд. Аммо биринчи тоифали оилалардан фарқли равишда уларда эркаклар кўпроқ оиланинг моддий таъминоти тўғрисида қайғурадиган шахс сифатида қабул қилинадилар. Ижтимоий сўров натижаларида ҳам эркакларнинг “оиланинг моддий таъминоти тўғрисида қайғурадиган шахс сифатида қабул қилиниши” моддий жиҳатдан таъминланган оилаларда кўзга ташланади.

Учинчи тоифа оилаларда эса эркакларнинг аёллар томонидан салбий идрок этилиш ҳолати кузатилди. Бу каби оилаларда аёллар кўпроқ эркакларнинг салбий хислатларини “кўрадилар”. Уларнинг назарларида оила бошлиғи, ўғиллар “ҳеч бир ишни бажаришга қодир бўлмаган, ҳамиша омадсизлик йўлдоши бўлган кимса” саналадилар. Аёллар шундай таърифга лойиқ кўрилган эркакларнинг нафақат оилада, шу билан бирга жамиятда ҳам фаол эмасликларининг асл сабабчилари ўзлари эканликларини тушуниб етмайдилар. Зеро, эркаклар табиатан атрофдагилар томонидан ўзларининг тан олинишлари истагига эга бўладилар. Ана шу истакнинг қондирилиши, яъни эркакларнинг жамиятда ёки оилада шахс сифатида тан олинишлари уларда ўз-ўзига бўлган ишонч ҳиссини кучайтиради, ижтимоий борлиққа нисбатан ижобий қизиқишини оширади.

Шундай қилиб, оилалар уларда аёллар томонидан эркакларнинг идрок қилинишига кўра турли гуруҳларга ажратилади. Ижтимоий ўрганиш натижалари аёллар томонидан эркаклар тўла ижобий, қисман ижобий ва салбий идрок этиладиган оилалар мавжудлигини кўрсатди. Эркаклар аёллар томонидан тўла ва қисман ижобий идрок этиладиган оилаларда соғлом психологик муҳит, ўзаро руҳий бирлик мавжуд бўлиб, бу ҳолат оила барқарорлигини таъминлайди. Аёллар томонидан эркаклар салбий идрок этиладиган оилаларда эса шахслараро муносабатларда зиддиятлар келиб чиқади, оилавий қийинчиликлар ёки муаммоларни ҳал қилиш ниҳоятда оғир кечади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
2. Психология. Қисқача изоҳли луғат. – Т.: ТДПУ, 1998
3. Каримова В.М. Представление о качествах личности у женщин узбечек в различных условиях: Автореф. дисс. канд. психол.наук.- М., 1987
4. Каримова В.М. Социальные представления об узбекской семье у юношей и девушек: Автореф.дисс… доктора психол. наук.- Т., 1994
5. Шоумаров Г.Б., Морщинина Е.А. Влияние психологических особенностей узбекской семьи на воспитание молодежи. // Проблемы совершенствования нравственного воспитания студентов. Материалы конференции.- Сыктывкар, 1986.- С.161-169
6. Шоумаров Г.Б. Психологические аспекты подготовки молодежи к семейной жизни.- Т., 1983

Андижон Давлат тиббиет институти,
2011 йил 12 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ғ.Б.Шоумаров)